Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 16 декабрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 95 (7091)

Da'vat

Маънавий ҳаётда ҳам амалий ҳаётдагидек, кимки билимга таянсагина тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришаверади.

Уильям ЖЕЙМС

Ibrat

Галлаорол туманидаги 24-мактаб директорининг муовини Ибодулла Дувлановнинг хабар беришича, ушбу мактаб қозонхонасининг таъмирталаб аҳволи жамоани ташвишга солиб келаётган эди. Бундан хабар топган саховатли тадбиркор Абдугани Суюнов ўзи бошқараётган «Қизилқўрғон» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобидан етарлича маблағ ажратиб, қозонхонани таъмирлашга катта ҳисса қўшди.

JUMLADA JAHON

• АҚШда, Ж.Вашингтон университетида Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ва Евроосиё тадқиқотлари институти томонидан уюштирилган Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан машҳур қирғиз адиби ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорациясини «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов раислигида Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш ва топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссиялари қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг ўтган етти йилда босиб ўтган ўзига хос тараққиёт йўли, иқтисодий салоҳияти, хорижлик шериклар билан ҳамкорлиги, сармоя жалб қилиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумотларни ўзида мужассам этган «Ўзбекистон учинчи минг йиллик бўсағасида» мажмуаси инглиз тилида нашрдан чиқди.

• Қобулнинг шимолий қисмлари Аҳмад Шоҳ Масъуд қўшинлари томонидан ракетадан ўққа тутилиши оқибатида камида 16 киши ҳалок бўлди ва 70 дан зиёд одам жароҳат олди.

• Австрия пойтахтида бўлиб ўтган Европа Кенгашининг сессиясида иссизлик муаммоси, ЕИ мамлакатларининг ягона пул бирлиги - еврога ўтиши, ташкилотнинг шарққа томон кенгайиши ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

• Хитой раҳбари Цзян Цзэминнинг Сурия вице - президенти Муҳаммад Зуҳайр Машориқ билан бўлган учрашувида Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал этиш масаласи муҳокама қилинди.

Yil o'qituvchisi - 98

МУАЛЛИМ ИЛМИДАН ЯШАРАР ДУНЁ

14 декабрь куни «Йил ўқитувчиси - 98» кўрик- танловининг Республика босқичи бошланди. Тадбир аввалида биз ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва маҳорат кўриги қатнашчилари билан суҳбатда бўлдик. Улар кайфияти, ўзгача чеҳралари киши қалбига байрам руҳини беради. Сирасини айтганда, бу тадбир устозлик салоҳиятини янада юқори кўтаришда , муаллимлар бир-бирлари билан тажриба алмашишларида муҳим омил вазифасини ўтамоқда. Шу билан бирга кўрик-танловда, муаллимнинг ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш усули, ноанъанавий дарси, ижодкорлиги, вазиятдан чиқа билиш маҳорати сингари қирралари ҳам намоён бўлмоқда.

Бу йилги беллашувда Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 31 - лицей ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Маърифат Жаҳонгирова, Бухоро вилояти Пешку туманидаги 14-мактабнинг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси Шуҳрат Мирхонов, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 17-гимназиянинг бошланғич синф ўқитувчиси Мунаввар Каримова, Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 1-лицей - интернатнинг тарих фани муаллимаси Ҳабиба Орипова, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 38 - мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Рустам Худойберганов, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 14 - мактабнинг математика фани муаллимаси Рисолат Ҳотамова, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги хорижий тиллар лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулчеҳра Маманбоева, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 1- мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси Шарофат Эрманова, Наманган вилояти Чуст туманидаги 1- мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Чашминиса Абдуллаева, Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 319 - мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Бибисора Ҳасанова, Тошкент вилояти Пискент туманидаги 7 - лицейнинг ўзбек тили ва адабиёти фани муаллимаси Мунаввар Ҳамидова, Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 17 - мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Зумрад Ниёзова, Хоразм вилояти Боғот туманидаги 7 - мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Роҳатой Саидова, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 2 - мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Қодировалар ўз билимдонликларини намойиш этадилар. Уларнинг чиқишларини РТМ директори вазифасини бажарувчи, педагогика фанлари номзоди Муҳаббат Абдураимова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолаб боришди. Шу куни барча иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўйича тест синовидан ўтдилар.

Уларнинг бу борадаги билимларини компьютер баҳолади. Шунингдек, улар ҳакамлар ҳайъати, эксперт комиссияси аъзолари суҳбатидан ўтдилар.

Кеча беллашув иштирокчилари биринчи тур топшириқ шартларига (« Менинг ташриф қоғозим», бир дақиқа давомида руҳий педагогик вазиятдан чиқиш, «Ҳавас ва қизиқишларим олами») зукколик билан жавоб бердилар. Баҳсни қуръага кўра, сирдарёлик иштирокчи Гулчеҳра Маманбоева бошлаб берди. У она тили дарсида яратган янгиликларини ўзини таништириш жараёнидаёқ намоён қила билди. Худди шу фикрларни Қашқадарё, Наманган, Хоразм вилоятлари вакиллари ҳақида ҳам айтса бўлади. Биринчи турнинг сўнгги шартида муаллимнинг хорижий тилларга бўлган муҳаббати синалди.

Бугун ва эртага Миробод туманидаги 110-мактабда асосий беллашувлар бўлиб ўтади. Унда кўрик-танлов иштирокчилари ўзларининг ижодий ишларини ҳимоя қилиб, компьютер саводхонлиги, дарс ўтиш усуллари ва шаклларини намойиш қиладилар. Мазкур кўрик-танлов натижалари газетамизнинг кейинги сонида батафсил ёритилади.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Ўқитувчи ёш дафтарига

ОГОҲЛАНТИРУВЧИ НИШОН

Тоза ҳаводан нафас олганга нима етсин! Таассуфки, биз бунга кўп ҳам муяссар бўлавермаймиз. Яқинда АҚШнинг Коннектикут университети физиологи Жозер Кровелло кўкракка тақиладиган нишонга ўхшаш индикатор ясашга муваффақ бўлди. Ҳаводаги 130 дан ортиқ заҳарли моддалар миқдорини ўлчайдиган бу «нишон», агар бирор зарарли модда миқдори ошиб кетса, тезда ўз рангини ўзгартириб, соҳибини хавфдан огоҳ этади.

СУВДАГИ МЎЪТАДИЛ ИҚЛИМ

Япониядаги Бива кўли иқлимининг мўътадиллиги билан машҳур. Сув ҳарорати ёзда ҳам, қишда ҳам ўзгармайдиган ана шу кўл остида япон муҳандислари томонидан гуруч сақлайдиган омбор қурилди. Маълум бўлишича, ҳаво ва нам ўтмайдиган қопларга жойлаштирилган гуручлар бу ерда уч йилгача таъми бузилмай сақланиши мумкин экан.

БАХТЛИ БЎЛИШ ШАРТИ

«Агар бола кўпроқ қовурилган картошкани севиб истеъмол қилса, у итоаткор ва босиқ бўлиб ўсади, ҳамда ўзини бахтли сезади...» — бу ғалати хулоса АҚШнинг бир гуруҳ олимларига тегишли. Тадқиқотчи олимлар узоқ муддат дунёнинг турли минтақаларида тажрибалар ўтказиш натижасида мана шундай якуний фикрга келдилар.

ИМТИҲОН ЧИКОРА

Невараси иккинчи марта университетга имтиҳон топшириб муваффақиятсизликка учраганига чидолмаган 80 ёшли Петар Жамоний, имтиҳон топшириш арзимаган иш эканлигини исботламоқчи бўлди ва ўзи имтиҳон топширишга киришди. Айни кунда эса, Петар бобо Югославиянинг энг кекса талабаси ҳисобланади.

Ko'rgazma

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёни авж олган бугунги кунда ушбу янги таълим тизимида муҳим ўрин олаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тобора такомиллаштириш, унга янгича сифат бериш борасида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўтган ҳафтада ОЎМТ вазирлигининг ЎМКҲТ Маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 - 2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий - техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимиздаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини зарур жиҳозлар, савдо - технологик ускуналари ва спорт анжомлари, умумтаълим ҳамда махсус фанлар бўйича лабораториялар ва устахоналарни ўқув ускуналар билан таъминлаш мақсадида 3 кунлик амалий кўргазмани ташкил этиб, уни ўтказиши ҳам ушбу йўналишдаги ижобий тадбирлар сирасига киради.

Пойтахтимиздаги Тошкент Давлат Университети маданият саройида, Алоқа ва Авиация коллежларининг кўргазма залида ташкил этилган ушбу тадбирга ЎМКҲТ ўқув муассасаларидан ташқари республикамиз иқтисодий равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган «Ўзмашсаноат», «Тоштекстилмаш», «Кимёқишлоқмаш», «Тошқишлоқмаш», «Фотон», «Микотен», «Реле ва автоматика», «Асбобсоз», «Технолог», «Агрегат» заводи каби очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда «Тошавтоматика», Мотор, Трактор заводлари, Ўзбек - Италия «СовпластИтал» қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш саноат корхоналари вакиллари иштирок этишди.

— Ушбу амалий кўргазмадан асосий мақсад барча ўқув муассасаларимизни зарур асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар билан таъминлашни бир йўсинга келтиришдир, - дейди ЎМКҲТ Маркази Коллежлар бошқармасининг бўлим бошлиғи Тоҳир Иброҳимов. – Бугун тадбирда қатнашаётган корхоналар вакиллари кўргазмага қўйилган асбоб-ускуналарни ҳар ким ўз соҳаси бўйича қанчалик даражада ишлаб чиқариш имкониятига эга эканлиги ҳақида Марказимиз билан келишув-баёнотларини тўлдирмоқдалар. Бу келишув баёнотлари асосида тайёрланган у ёки бу асбоб-ускунанинг назорат намунаси ушбу ҳужжат имзолангандан кейин 30 кун ичида махсус тендер комиссиясида ҳар жиҳатдан ўрганилиб чиқилади ва уларнинг энг сифатли ҳам кам харажатлиси танланади. Сўнг ушбу танланган анжомларга давлат буюртмаси белгиланади...

Ҳа, дарвоқе шу ўринда ЎМКҲТ Марказининг жами 6 та йўналиш бўйича ўқув муассасалари учун 1999 ва 2000 йилларда зарур бўлган асбоб-ускуналар, анжомларнинг рўйхатини ишлаб чиққанлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

(Давоми 2-бетда)

Taklif

ЭСКИ ҚОЛИПЛАРДАН ВОЗ КЕЧАЙЛИК

Мана мамлакатимизнинг мустақилликка эришганига ҳам етти йилдан ошди. Ватанимиз етакчи давлатлар қаторидан ўрин олишга интилаяпти ва бу кўп жиҳатдан бугунги ёшларга боғлиқлиги таъкидланяпти. Ҳукуматимиз шу туфайли ёшларни илмли қилиб тарбиялаш мақсадида бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилинди, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилди, ўқувчиларнинг билимларини рейтинг асосида баҳолаш йўлга қўйилди.

Ғарчи бу борада кўпгина ишлар олиб борилаётган бўлса-да, мактабларимизнинг битирувчилари орасида ҳануз бошланғич синф дастурини ҳам тўлиқ ўзлаштириб олмаган ўқувчиларнинг мавжудлиги ачинарли ҳолдир.

Бундай салбий ҳолатнинг ҳали ҳам мавжудлиги собиқ Иттифоқдан қолган айрим қолиплардан воз кеча олмаганимиздадир.

Булардан бири, синфларда ўқувчилар сонининг ниҳоятда кўплиги . Англияда синфдаги ўқувчиларнинг сони 12 нафардан ошмас экан, бизда эса қанча ўқувчи бўлиши ҳаммага маълум. Тўғри бизда синфдаги ўқувчиларнинг сонини камайтиришга шароит етишмас, шунга қарамасдан, бу муаммони қисман ҳал этиш мумкин. Маълумки, юқори синф ўқувчилари ҳар ҳолда ўзлари мустақил фаолият кўрсата оладилар. Бошланғич синф ўқувчилари эса кимнингдир яқиндан кўмагига муҳтож. Уларнинг ҳар бири билан доимий равишда шуғулланишга тўғри келади. Шу сабабли бошланғич синфлардаги ўқувчиларнинг сонини 12-15 нафар орасида чегараламоқ лозим. Ўқув йилининг охирида эса ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари мактаб маъмурияти томонидан тузилган махсус комиссия томонидан текширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчиси, дастурни ўзлаштира олмаган ўқувчиларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмаслиги. Ўша даврда бўлганидек ҳозир ҳам қолоқ ўқувчилар синфдан-синфга кўчирилаверади. Синфда қолдириш чорасини ҳеч бўлмаса бошланғич синфларда қатъий қўлламоқлик лозим, токи ўқувчилар бу синфларда ўқиш ва ёзишни, тўрт амал қоидаларини мукаммал эгалласин.

Бу таклифлар жорий қилинса, мактабларимиздаги муаммолар тўлалигича тугатилади, деган фикрдан йироқмиз. Аммо, бу ўзгаришлар орқали айрим муаммолар ҳал этилишига ишонамиз.

Ғайрат ОТАЖОНОВ,
Бешариқ туманидаги
25-мактаб ўқитувчиси

ЯГОНА РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Аввал хабар берганимиздек, ўқувчиларнинг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизимини жорий этиш масалаларига бағишланган Республика амалий семинар кенгашида баҳолашнинг Тошкент тажрибаси қизғин муноза раларга сабаб бўлди. Шундан сўнг профессор Борис Фарберман, Тошкент вилояти ХТХМОИ ходими В. Фефелов, Наманган вилояти Чортоқ тумани ХТБ услубчиси К.Тўлабоев, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси З.Раҳмонов, Халқ таълими вазирлиги ДТС мониторинги бошқармаси бош мутахассиси А.Калонтаров, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг бош мутахассиси А.Абдуллаев, Фарғона вилояти ўқувчилар олимпиада заҳиралари махсус илмий-тадқиқот мактабининг директори Р.Гигинешвилилар гуруҳлари вариантлари муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, бу гуруҳлар вариантлари юзасидан ҳам мунозаралар жуда қизғин бўлди. Бироқ муҳокама жараёнида мазкур вариантлардаям ижобий томонлар бўлиши билан бирга баъзи бир камчиликлар борлиги маълум бўлди. Масалан, А.Калонтаров гуруҳи ишлаб чиққан вариант Миробод туманидаги 60- мактабда ва Олмалиқ шаҳрида синовдан ўтган. Мазкур вариант ҳақида ижобий фикрлар билдирилган, лекин мутахассисларнинг эътирофича, юксак техникали таълим муассасалари шароитига мосланган. Оддий компьютерлаштирилмаган мактабларда қўллашда қатор қийинчиликлар туғдиради. Чунончи, бошқа вариантларнинг камчиликлари ҳам муҳокама пайтида рўйи рост кўриниб қолди.

Anjuman

Муҳими, муҳокамаларда қайд этилганидек, барча вариантларда ўзига хос жиҳатлар бор. Шу боис ягона рейтинг тизимини жорий этишда 8 та вариантдаги ўзига хосликлардан фойдаланиш керак. Зеро, бу усул мукаммал ягона рейтинг тизимига асос бўлади.

Анжуман якунида гуруҳ раҳбарлари амалий семинар кенгаши иши юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини баён қилдилар. Семинар-кенгаш қарорига кўра, «Халқ таълими» журнали Бош муҳаррири, профессор Жура Икромов бошчилигидаги эксперт гуруҳи ҳафта мобайнида 8 та гуруҳ ишланмалари ҳамда анжуманда билдирилган фикрларни қайта ўрганиб чиқишади. Улар ягона рейтинг тизимини яратишда ҳар бир ишланмаларнинг ижобий томонларидан фойдаланишади, асосли таклифларни инобатга олишади. Умуман олганда, ягона рейтинг тизими ана шу тартибда, эксперт гуруҳининг жиддий меҳнати орқали ҳаётга йўлланма олади.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти Ғайрат Шоумаров, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йулдош Саиджоновлар қатнашдилар.

М.ҚУРБОНБОЕВ

Иқтидорли муаллима Салтанат Ҳамидова (суратда) ўттиз икки йилдан буён Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 1-мактабда меҳнат қилиб келади. У кишининг оиласини ҳам ўқитувчилар оиласи деб аташ мумкин. Тўнғич ўғли Муҳаммад ва қизи Нилуфар айни кунда мактабда ёшларга фан сирларини ўргатмоқда. Салтанат Ҳамидова оилада ҳам, меҳнат жамоасида ҳам меҳрибонлиги ва самимийлиги билан ҳамиша ардоқлидир.

Наби НОР олган сурат.

Obuna - 99

«МАЪРИФАТ»ПАРВАР МУАЛЛИМЛАР

Навоий вилояти Навоий туманидаги Бурхон Эсанов номли ўрта мактаб мослаштирилган бинода жойлашган. Унда 1044 нафар ўқувчи икки навбатда ўқийди. Аммо бугун биз мактабнинг эски бинода жойлашганию шу туфайли ўқитувчи ва ўқувчиларга туғилаётган ноқулайликлар ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Зеро бу ҳақда авваллари ҳам маълум доираларда гап-сўзлар бўлганди...

Мактабга ўн икки йилдан буён директорлик қилиб келаётган Маърифат опа Ансорова ва у киши раҳбарлик қилаётган жамоанинг матбуот органларига муносабатлари хусусида сўз юритмоқчимиз. Опа балки тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси бўлгани сабабли ҳам матбуотнинг жамият тараққиётдаги аҳамиятига тўғри баҳо бера олади.

Ўтиб бораётган йилимизда мактаб ўқитувчилари атиги 16 дона «Маърифат» газетасини олишган бўлса, 1999 йил учун уларнинг 33 нафари севимли газеталарига (1 йиллик тўлиқ) обуна бўлишди. Бундан ташқари улар «Миллий тикланиш», «Меҳригиё», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ватанпарвар», «Ишонч», «Тонг юлдузи», «Гулхан», «Ғунча» каби республика даврий нашрларига, шунингдек, «Навоий овози», «Зиёкор» ва «Дўстлик байроғи» каби маҳаллий нашрларга ҳам обуна бўлишди.

Ўқитувчилар жами 150 минг сўмдан зиёд пулни ўз ёнларидан келгуси йил обунаси учун тўлашди.

Маърифат опага «Маърифат»нинг қайси жиҳатларидан қунглингиз тўлмайди, деб берган саволимизга у киши шундай жавоб берди:

— «Маърифат» бизнинг доимий ҳамроҳимиз, маслакдошимиз. Газетанинг ҳар бир сонини мириқиб ўқиб борамиз. Ундаги фикр-мулоҳазалар, тажрибаю тавсиялардан ўз фаолиятимизда имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун сиз ижодкорларга ташаккур! Аммо менинг бир илтимосим бор эди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруқ ва қарорлари доимий равишда бериб борилса. Шунингдек, фанлар бўйича ташкил этилган тажриба-синов майдончаларидан мақолалар тез-тез ёритилса...

Биз Маърифат опанинг газетамиз хусусидаги илиқ фикрларини ва илтимосларини қадрлаган ҳолда у кишига ва барчабарча мураббий-ўқитувчиларимизга бир янгиликни етказмоқчимиз. Халқ таълими вазирлиги Сиз, азизларнинг таклиф ва илтимосларингизни инобатга олиб яқин кунлардан бошлаб «Таълим тараққиёти» деб номланган янги журнал чиқаряпти. Мазкур журнал «Маърифат»нинг энг яқин қўмакчиси сифатида сизларни тизимдаги мавжуд янгиликлардан хабардор этади, деб ўйлаймиз.

Норали ОЧИЛОВ

ХАБАРЛАРИ — MMM

TO'YGA TO'YONA

Ajiniyoz nomidagi Nukus Davlat pedagogika instituti jamoasi Berdaq jamg'armasi hisobiga 50 ming so'm mablag' o'tkazib, buyok qoraqalpoq shoiri va mutafakkirining 170 yillik yubileyini o'tkazishga o'z ulushini qo'shdi.

G'oyib YOQUBOV

HAMKORLIK MANZILLARI

O'zbekiston Respublikasi Xalq Ta'lim Markazi va O'zbekistondagi Fransiya Elchixonasi Til va Ta'lim hamkorligi markazi tashabbusi bilan Toshkent shahrida fransuz tilini chet tili sifatida o'rgatuvchi o'qituvchilarning amaliy seminari bo'lib o'tdi.

Unda Fransiya Respublikasining O'zbekistondagi favqulodda va muxtor elchisi J.K. Rishar janoblari qatnashib, o'zbek, rus va fransuz tillarida qisqacha nutq so'zladi.

Seminar so'ngida Respublika ta'lim Markazi metodisti Abdurahim Nosirov va Fransiya elchixonasi til va ta'lim markazi boshlig'i Jerar Barbareylar semilar ishtirokchilariga maxsus sertifikatlar va esdalik sovg'alarni topshirishdi

Shuhrat YIGITALIYEV

INSON HUQUQLARI BOSH MAQSAD

Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti qoshidagi iqtisodiyot gimnaziyasi bilan hamkorlikda Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasi qabul qilinganligining 50 yilligi va «Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasi» kitobchasining taqdimotiga bag'ishlangan anjuman o'tkazdi.

Qizg'in savol-javob tarzida o'tgan anjumanda O'zbekiston Respublikasi Inson huquqlari milliy markazi direktori A.Saidov ishtirok etdi.

Faxriddin KARIMOV

MMM — XABARLARI

MAKTABDA YASHIL DUNYO

Toshkent shahar Chilonzor tumanidagi 114-maktabda «Gullar» bayrami bo'lib o'tdi. Mastura Ubaydullayeva boshchiligida har bir o'quvchi o'zi o'stirgan gullar bilan tadbirda qatnashdi.

Go'zal NORCHAYEVA

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

(Боши 1-бетда)

Савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва турар жой-коммунал хўжалиги, медицина, илм-фан, маданият ва санъат, ижтимоий-иқтисодий соҳа, саноат, транспорт ва алоқа соҳалари бўйича махсус тайёрланган маълумотлар алоҳида китобчада жамланиб, кўргазма иштирокчиларига тарқатилди.

Маълумки, илгари ўқув ишлаб чиқариш анжомларининг аксарияти республика ташқарисидан келтирилар эди. Ҳозир эса бунинг имконияти йўқ. Бўлган тақдирда ҳам бу кўп харажатни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам ўқув масканларимизга керакли барча асбоб-ускуналарни энди ўзимизда тайёрлашни қўлга олишимиз лозимдир. Бунинг учун ўзимизда мавжуд бўлган барча имкониятларни ишга солишимиз зарур. Ана шундай ўз имкониятлари, ижодий ғояларини сарф-лаб, бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос ижобий натижага эришаётган педагогик жамоанинг бири билан кўргазма бўлиб ўтган Авиация коллежида танишдик. Андижон мелиорация ва сув хўжалиги коллежи кўргазмага «Ўқитишнинг техник воситалари» мажмуини олиб келишибди. Дарҳақиқат, шу куни кўргазма иштирокчиларининг кўпчилиги ушбу таълим масканининг ўқув ишлаб чиқариш устахонасида Носир Қўчқоров каби ўқув ишлаб чиқариш таълими усталаридан таркиб топган ижодий гуруҳ яратган мажмуани зўр қизиқиш билан томоша қиларди. Уларнинг саволларига коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Абдумалик Абдураззоқов ҳамда ишлаб чиқариш таълими устаси Миродил Йўлдошевлар атрофлича жавоб берарди. Маълум бўлишича, бу мажмуанинг вазифаси ўқув юртларидаги ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланилаётган илғор тажрибалар, иш жараёнидаги мураккаб операцияларни бажаришда фойдаланиладиган мосламалар, қурилмалар ва усулларни ўқувчиларга кўрсатишдан иборат. Бундай мажмуанинг 18 таси мазкур билим даргоҳида ўрнатилган. Ҳозир Марҳамат туманидаги 3- ва 31 - лицейларда иккитадан ўрнатишга шартнома тузилган. Ушбу кўргазмада ҳам мажмуани ўз илм даргоҳларида ўрнатишга қизиқувчилар бунга қанча харажат талаб этилишига қизиқишди.

— Умуман олганда, видеомагнитофон, телевизор ва бошқа ускуналарни ўз ичига олган бу мажмуани ўрнатиш 250 мингга тенг келмоқда, - дейди Миродил ака. – Аммо, жойларда мазкур мажмуага тааллуқли жиҳозлар мавжуд бўлса, унда фақат ўрнатилишигагина шартнома тузилади ва бу жамоага анча арзонга тушади...

Демакки, бу дегани жойлардаги ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида шу каби тайёрланган анжомлар ЎМКҲТ Маркази уюштираётган тендер комиссиясида ижобий баҳо олса,уни оммалаштиришга ва бунинг эвазига мўмай даромадга эришишга имкон яратилади.

Сўзимиз ниҳоясида ЎМКҲТ Марказининг капитал қурилиш, академик лицейлар ҳамда коллежлар бошқармалари ташкил этган мазкур уч кунлик кўргазма ҳар томонлама сермазмун ўтиб, иштирокчилар олдида турган вазифалар ечимига ўз салмоғини қўшиши шубҳасизлигини ҳамда уларни амалий ҳамкорликка чорлашини яна бир бор таъкидламоқчимиз.

Нурлан УСМОНОВ,
«Маърифат» мухбири

КЕЛАЖАК КАМОЛИН ИСТАБ

Изланувчан, табиатан зукко инсонлар учун болаларга билим бериш, уларни қобилиятлари ва қизиқишларига кўра тўғри йўналтириш ҳамиша завқ бағишлаб келган. Айниқса, сенинг соҳангни, бораётган йўлингни танлаб сенга эргашаётган ёшлар борлиги ва уларнинг шу йўлда муваффақиятлар қозониши кимни қувонтирмайди, дейсиз. Баҳром Эшмаматов, пойтахтимизнинг Сиргали туманидаги 6-мактаб-лицей раҳбари ҳам ўз бахтини шогирдлар камолидан излаган инсон. У етакчилик қилаётган ўқув маскани математика, инглиз тили ва ҳуқуқшунослик фанларини чуқур ўргатишга ихтисослашган. Шу билан бирга малакали кадрлар билан таъминланган. Баҳром ака Тошкент Давлат Университети механика-математика факультетини муваффақиятли тугатиб, шу олийгоҳда бир неча йил математикадан дарс берди.

Бир неча йиллик илмий изланишлари натижаси ўлароқ, физика-математика фанлари номзоди даражасини олган. Кейинги йилларда ўз илмий салоҳиятини янги авлод — мактаб ўқувчиларига бағишлаяпти. Бунинг самарасини қуйидаги далиллардан ҳам билса бўлади. Бу йил лицей ўқувчиларидан 23 нафари туман ва шаҳар фан олимпиадаларида ғолибликка эришди. Математика фанидан 7 нафар ўқувчи Республика фан олимпиадасида совринли ўринларни олган бўлса, 10-синф ўқувчиси Шуҳрат Мирзаолимов Республика сиртқи-телевизион олимпиадасида 3-ўринни эгаллади.

Фарзанд ота-онанинг кўзгудаги акси бўлганидек, ўқитувчиларимиз ҳам ўқувчиларининг қанақа эканлигига қараб атрофдагилардан баҳо олади. Ушбу сатрлардан сизга таниш бўлган Баҳром Эшмаматов ҳам кўпчиликка устоз сифатида ўз баҳосини олган. Буни фарзандини ўқитиш учун айни шу мактабни танлаётган ота-оналар сони кескин ошиб бораётганидан ҳам билса бўлади...

Айни ўқув масканида инглиз тили ўқитувчиси Ульяна Лининг ҳам ўз ўрни бор. Ҳозирда лицейнинг инглиз тили кафедрасига етакчилик қилмоқда. Ундаги тил ўргатишнинг замонавий услублари, жадаллаштирилган дастур асосидаги ноанъанавий машғулотлари деярли ҳар бир ўқувчи эътиборини тортган.

Ульяна ўз ўқувчиларини олийгоҳларга кириш синовларига тайёргарлик кўришларида ҳам қамарбаста. Бир неча йилдан буён уларни алоҳида дастур асосида ўқитиб келиш баробарида, бу усулни аллақачон оқлаган. Шогирдларининг йилдан-йилга юқори кўрсаткичларга эришаётгани унга янада куч-ғайрат бағишламоқда.

Кейинги йилларда иш услуби ва имкониятларини замон талабларига мос қайта ишлаб чиққан Ульяна Ли ачагина муваффақиятларга эришмоқда. У АКСЕЛС дастурининг ўқитувчилар учун ўтказган конкурси ғолиби бўлиб, олган совғаси — компьютерни мактабига берди. Республика миқёсида ўтказилган семинарларда ва ўқитувчилар малака ошириш курсларида ўз тажрибаси асосида маърузалар қилиб келмоқда.

Чет тилини ўргатиш борасида самарали иш услубига эга бўлган Ульяна Ли эришган муваффақиятлари учун «Халқ таълими фидойиси» унвонини олган.

Ф. КАРИМОВ

Суратларда: иқтидорли ўқитувчилар Баҳром Эшмаматов ва Ульяна Ли дарс жараёнида.

Ш. ЗУФАРОВ олган суратлар.



Ehtirom

МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ...

Бу қўшиқни ҳамма эшитган. Очиғи, устоз, ўқитувчи ҳар қандай шароитда ҳам бемеҳр бўлиши мумкин эмас. Ҳатто ўқитувчининг қаттиққўллиги, талабчанлиги замирида ҳам инсон ва унинг келажагига нисбатан улкан ғамхўрлик яширин. Чинакам ўқитувчинингтина маслаги шундай бўлади.

Жиззах вилояти Зарбдор тумани Бобур номидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси Шаҳзода Ҳошимова ҳам ўз касби масъулиятини ана шундай чуқур англаб, юксак қадрловчи мураббийлардан. Опа 25 йилдан буён ўқитувчилик қилаётган бўлса, ушбу мактабда иш бошлаганига ҳам етти йилдан ошибди. Ҳозир у эски ўзбек ёзуви ва одобномадан дарс бераётир. Машғулотлар қизиқарли ўтиши учун у синф ўқувчиларини икки гуруҳга ажратади. Уларни кўпинча шартли равишда «Доно» ва «Ахлоқ» деб номлайди. Ўртага бир савол ташлаб, гуруҳлараро баҳсни бошлаб беради.

Маълум бир саволга қайси гуруҳдан қанча бола жавоб бергани, уларнинг жавоблари бир-бирини тўлдирадими, йўқми, бир-бирини такрорлайдими, мавзуни қанчалик даражада қамраб олади, ўқувчиларнинг ушбу баҳс-машғулотга қандай тайёргарлик кўришгани — ҳамма-ҳаммасини ҳисобга олади. Ҳар бир боладаги заррача бўлса ҳам интилиш ва ташаббусни рағбатлантириб боради. Шундан бўлса керак, мактаб ўқувчиларининг ушбу фанларга бўлган қизиқишлари, ўзлаштиришлари жуда яхши. Чунки опа дарс бўлсин, амалий машғулот бўлсин, асло дарслик доираси билан чегараланиб қолмайди. Мураккаб инсоний муносабатлар, милла-тимизнинг гўзал урф-одатлари, тарих сабоқлари, қадим ибратли ривоятлар, ҳадислар, буюк аждодларимиз ўгитлари, айни чоқда, ҳаётий воқеалар мисолида ҳам ўқувчилар маънавиятини бойитиб боришга ҳаракат қилади. Айниқса, мактаб қизлари опадан миннатдор, қачон қараманг, унинг хонасида дилдан суҳбатлашаётганларини кўрасиз.

«Опамизнинг меҳри тортади» — дейишади улар ҳамиша. Зеро, Шаҳзода Ҳошимова мактаб хотин-қизлар кенгашининг раҳбари сифатидаги вазифалари ва масъулиятига ҳам асло бефарқ қарамайди. Албатта, бу ишларда опага ҳамкасблари, айниқса, директор Урол Каримов, ўқув бўлими мудираси Зулайҳо Равшанова ва бошқалар яқиндан ёрдам беришади. Хуллас, Шаҳзода опа Ҳошимова ўз ўқувчиларини давримизга, келажагимизга муносиб юксак маънавиятли инсонлар бўлиб етишмоғи учун жон куйдираётир.

Абдужалил ХЎЖАМОВ

Xorijda ta'lim

ФРАНЦУЗ КОЛЛЕЖИ

Франциядаги коллежларга таълим тизимидаги бошланғич таълим синфларини тугатган 11-12 ёшли ўқувчилар қабул қилинади. Ўқиш тўрт йил давом этадиган бу ўқув даргоҳида дастлабки икки йил (яъни, олтинчи ва бешинчи синфларда) умумий таълим характерида олиб борилади. Яъни, коллежга кирган 6- ва 5-синф ўқувчилари (биздаги 5- ва 6-синфларга тўғри келади) қуйидаги фанларни ўрганишади: она тили, математика, чет тили, тарих, география, иқтисодиёт, фуқаролик тарбияси, табиий ва техникавий фанлар, биология ва геология, технология, бадиий тарбиядан мусиқа ва расм дарслари, спорт ва жисмоний тарбия.

Коллеждаги ўқишнинг кейинги икки йили эса йўналтирилган таълим босқичи бўлиб, бу босқич 1991 йилдан икки турга бўлинади. Яъни коллежда ўз ўқишларини давом эттираётган 4-ҳамда 3-синф ўқувчилари умумий таълим тайёргарлиги ёки технологик таълим тайёргарлигини танлашлари мумкин бўлади.

Умумий таълим тайёргарлиги бўйича ўқитилаётган синфларда юқорида санаб ўтилган дарсларга табиий-жисмоний фанлар, бир қанча факультатив фанлар (лотин тили, грек тили, иккинчи муомаладаги чет тили ва чуқурлаштирилган чет тили) қўшимча қилинади.

Технологик тайёргарликка йўналтирилган синфларда эса асосан техник фанларни ўқитишга эътибор қаратилади. Бу ўқув жараёни асосан уч хил кўринишда бўлади:

техник фанлар ва саноат ишлаб чиқариши;

биология ва жамиятга оид фанлар;

савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси.

Бундай синфларда дарслар ўқитувчиларнинг фанлараро гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган режа асосида олиб борилади.

1992 йилдан бошлаб яна бир турдаги йўналтирилган синфлар ташкил этилганки, бу синф ўқувчилари касб-ҳунар лицейларига киришга тайёрланади. Булардан ташқари баъзи коллежларда тенгдошларидан бир оз ривожланишда ортда қолган ўқувчилар учун махсус синфлар ҳам мавжуд.

Мана шундай қилиб коллежни битирган ўқувчилар ўз хоҳишларига кўра лицейларда, ҳунартехника билим юртларида ўқишни давом эттиришлари мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда Франция коллежларида таълимни янада самаралироқ қилиш учун турлича янги ўқитиш усуллари жорий этилмоқда. Бу мамлакат коллежларида қатъий бўлмаган (эгилувчан) дарс жадваллари, ноанъанавий семинар машғулотлари-ю, мустақил ишлар, бир вақтда бир неча ўқитувчи олиб борадиган дарсларни кўриш мумкин.

Шухратбек ЙИГИТАЛИЕВ

КЕКСАЛАРГА ҲУРМАТ – КЕЛАЖАККА ТИЛХАТ

Александр Дюманинг «Шевалье Д' Арманталь» рўмонида орлеанлик Филипп номидан бир ривоят келтирилади. Унда қадимги Римда, қулоғини шайтон чўзган Нерон даврида, бир гумроҳ тўданинг қишлоқ кексаларини қатли ом қилиши, кейин эса оёқлари остидан «лоп» этиб чиққан оғир вазиятни қарилар донишидан ҳоли бўлган ҳом каллалари кўтаролмай, аллаоқибат қунпаякун бўлишлари баён қилинади. Кардинал Дюбуанинг «қаридардан не наф» деган гапига Филипп ушбу ривоят билан эътироз билдиради.

Мен бу асарни икки жиҳат учун эсга олдим. Аввало, сиз ҳам уни бирров ўқиб чиқинг. Маза қиласиз. Кейингиси юртимизда кексаларимизга бўлган эътибор, ҳурмат. Ҳар иккала жиҳатни эсга олишимга эса яқинда «Нуроний - Малҳам» тиббиёт ташхис марказида бўлиб ўтган учрашув туртки бўлди.

Маълумингизким, 1996 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини қўллаб -қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш мақсадида «Нуроний» жамғармаси ташкил этилган эди. 1998 йил май ойида шу жамғарма қошида «Нуроний- Малҳам» тиббиёт-ташхис маркази фаолият кўрсата бошлади. Шундан буён мазкур даргоҳ кексаларимизга бепул - беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Улар учун барча шароитлар муҳайё этилган. МДҲ давлатларида ягона ҳисобланмиш турли даволаш воситалари, ускуналари даволанувчилар хизматида.

Бугунги кунда мингдан ортиқ кексаларимиз «Нуроний-Малҳам» ҳисобида туришади.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида марказ филиалларини очиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Тез кунларда тўрт ўринли кундузги стационар ишга тушади.

Марказда кардиология, урология, стоматология, физиотерапия кабинетлари мунтазам фаолият кўрсатишади. Марказ дорихонасида эса истаган дориларни топиш имкони бор.

Кексаларга ҳурмат эътибор шарқона равиянинг мукаммал кўриниши.Зеро кексаларга ҳурмат савоби келажагимизнинг ойдин бўлишини тайин қилиши табиий.

Мухбиримиз

Mulohaza

ТАЯНЧ ЎҚУВ РЕЖАНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИ

Мафкура яккаҳокимлиги ва маъмурий буйруқбозликка асосланган собиқ СССРнинг барча миллий ўлкалари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам таълим-тарбия миллий қадриятлардан, шахснинг эҳтиёж имкониятларидан айри ҳолда олиб борилди. Натижада у кўпдан-кўп салбий оқибатларга олиб келди. Таълим-тарбия мазмуни ва ташкил этилишини бир қолипга солинганлигининг сабаб-оқибатларини аниқлаш юзасидан махсус педагогик тадқиқотлар қилиниши ва уларнинг хулосалари эса педагогика дарсликларидан ўрин олиши муқаррар. Аммо янги методологияга асосланган «таълимий хизмат» хусусида фикр юритганда унинг эскича педагогика ва амалиётдан афзаллигини яққол кўрсатмоқ учун ўтмиш асоратларини бир қадар изоҳлаш ҳозирча услубий заруриятдир.

Маълумки, шўролар ўз тасарруфидаги ҳудудларни яхлит иқтисодий маконга айлантириш билан бирга, ягона педагогик макон барпо қилиш ва шу орқали турли элат, миллат ва халқларни маънавий жиловлаш мақсадида «педагогик экспансия» бошлади.

Дафъатан инсон ҳақидаги фан — педагогиканинг методологик асослари нишонга олинди. Тарих синовларидан ўтиб барча халқларда тарбиянинг асосини ташкил этган педагогик назария улоқтириб ташланди. Тарбия воситасида шахснинг фазилатларини истаганча ўзгартириш мумкин, деган ақидага амал қилиниб ҳар бир шахсга хос бетакрор қобилият, истеъдод назар писанд қилинмади, таълим мазмуни ҳам, тарбия ҳам бир қолипга солинди. Таълим-тарбия ижодий жараён эканлиги, унда бир хилликдан қочиш зарурлигини ўтмишда кўплаб гапирилса-да, бироқ ўқув фанларини қатъий ўқув режа билан шу қадар бир солинган эдики, натижада, собиқ СССРнинг барча мактабларида, айнан бир хил мавзуни бир вақтда, бир хил соат билан ўрганилиши мажбурий ҳисобланар эди. Гарчи, шахснинг қизиқишини қондиришни кўзлаб ўқитувчидан ўқувчилар гуруҳига алоҳида ёндашиш талаб қилинса ва шу мақсадда мактабдан ташқари муассасалар фаолият кўрсатсада, амалда ҳақиқий хилма-хилликка эришиб бўлмади. Миллий таълим-тарбия ўрнига умумсовет ниқобига ўралган ҳукмрон миллат таълим-тарбияси барча халқларга тиқиштирилди. Натижада, кўплаб элат ва халқлар, жумладан, ўзбек халқи ҳам миллий тарихи, адабиёти, тарбиявий анъана ва усулларидан мосуво бўла борди. Руҳиятда социал нигилизм илдиз ота бошлади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, Республика хўжалигининг барча соҳаларида бўлганидек, таълимда ҳам туб ислоҳотлар даври бошланди. 1992 йилда илк бор Республиканинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Унинг 3-моддасида «таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув» зарурлиги таъкидланган. Шу асосда янги мазмундаги ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, ўқув адабиётлари яратилди, таълим муассасаларини замонавий дидактик воситалар билан таъминлаш йўлга қўйилди, ўқув муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш тизими барпо этилди. Амалга оширилган тадбирлар туфайли мамлакатимизнинг ўзига хос миллий таълим тизими шаклланиб, унинг моддий базаси мустаҳкамланиб борди, ривожланган хорижий давлатлар билан таълим бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди. Республикамизда янги турдаги ўқув муассасалари лицейлар, коллежлар ташкил қилинди, мактабларни компьютер техникаси билан таъминлаш оммавий тус олди, ўқувчиларни табақалаб ўқитиш сингари янгиликлар жорий этилди. Бироқ бу ишлар коммунистик мафкурага содиқ ходимларни тайёрлашга даъват этилган собиқ таълим тизимини ўзгартириш борасидаги дастлабки қадамлар эди. Эндиликда, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастур»ига мувофиқ мақсад, вазифалари, мазмуни, бошқариш ҳамда ташкил қилишнинг шакл ва методларини халқимизнинг миллий-маданий анъаналарига, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ҳолати, айниқса демографик жиҳатларига ҳамда истиқболига мос буткул янгича «таълимий хизмат» шаклланмоқда, бундай «таълимий хизмат»нинг методологик асосида Президент И. А. Каримов томонидан илгари сурилган «жамият мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин» деган ғоя ётади. Унинг педагогик асосини эса ҳар бир шахснинг қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш, такомиллаштириш орқали жамиятнинг қўйидан таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш ташкил қилади. Ана шундай концептуал ғоялар асосида фаолият кўрсатувчи мактабни, шахс ва жамиятни ривожлантиришга, таълимнинг миллий-минтақавий хусусиятларини ҳисобга олишга ва демократия ҳамда инсонпарварлик тамойиллари асосида бошқаришга ундайдиган механизм сифатида Таянч ўқув-режа вужудга келди. Бу механизм жамиятнинг таълимга бўлган ижтимоий буюртмаси – давлат талаби билан боланинг шахсий имконияти, майли ўртасидаги тафовутни мувозанатловчи воситадир. Шунингдек, у таълимнинг демократлашув механизмидир. Таълимнинг демократлашуви унинг ташкилий шаклларини ҳам, муайян даражада таълим мазмунини (чуқурлашиши ёки кенгайиши) ҳам минтақаларо фарқланишида ўз ифодасини топади. Шунинг учун таянч ўқув режа функционал вазифаси бўйича бир-биридан фарқланувчи, айни вақтда бир-бирига боғлиқ таркибий қисм (компонент)лардан иборат бўлади. Улар мамлакатнинг сиёсий-маъмурий, табиий-минтақавий бўлинишига ва шахс эҳтиёжи ҳамда имкониятининг турли-туманлигига монанд мукобил ўқув режалар яратишга асосдир. Мана бир мисол, Россия Федерацияси демографик ҳолати, хусусан сиёсий-ҳуқуқий, тарихий-этник тафовутлари жиҳатдан Ўзбекистонга мутлақо ўхшамайди. Чунки унда тили, тарихи, адабиёти, географияси, диний эътиқоди ҳамда миллий анъаналари билан жиддий фарқланувчи миллий мухторият ва ўлкаларда 100га яқин миллат ва элатлар истиқомат қилади. Худди шу боисдан ҳам у Федератив Республика ва унда миллий хилма-хиллик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим мазмуни ва умуман барча ўқув методик мажмуа мухториятларда фарқланиши мумкин. Шунга монанд Таянч ўқув режанинг дарс соатлари федератив яхлитлик эҳтиёжига хизмат қилувчи федерал давлат компоненти, миллий мухториятлар хусусиятларини акс эттирувчи миллий ҳудудий компонент ва ниҳоят шахснинг қизиқиш ва қобилиятини қондиришга йўғрилган мактаб компоненти соатларидан иборат бўлади.

АҚШ, Германия Федератив Республикаси каби ривожланган давлатларда эса таълим мазмуни маъмурий ҳудудий жиҳатдан фарқланиши маълум. Шунинг сингари Ўзбекистонда ҳам табиий-географик, тарихий-этник, социал-иқтисодий тафовутга эга маъмурий ҳудудлар борким, уларда Таянч ўқув режанинг мактаб (компоненти) ихтиёридаги соат ҳисобидан «Миллий маданият тарихи», «география», «экология», «психология», «этика», «халқ ҳунармандчилиги» сингари бир қатор қўшимча курслар ўқитилиши ҳамда ҳар бир ўқувчининг майли, қизиқишига мувофиқ давлат компонентидаги ўқув фанларини чуқурлаштириб ўрганиш мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин. Демак, Таянч ўқув режанинг мактаб ихтиёридаги дарс соатлари ҳар бир ўқувчининг алоҳида шахс сифатида ривожланишига имкониятлар яратади. Бу жиҳатидан у таълимни инсонпарварлашувининг муҳим шарти ҳисобланади. Аммо ҳар бир таълим муассасаси бир томондан чексиз истаклар, иккинчи томондан чекланган имкониятлар шароитида, мактаб ихтиёридаги соатлар асосида ўз қиёфасини намоён қилувчи ўқув режа яратмоқчи экан, дафъатан «нимага ўқитиш?»ни, «нимани ўқитиш?»ни ва «қандай ўқитиш?» ни асослай олиши лозим. Чунки, қайси билимлар қанча миқдорда, қайси манбалардан, қай тариқа ўрганилишини аниқлаб олмасдан мактаб ихтиёридаги соатларни сарфлаш кутилганча натижа бермайди, ҳатто у зараралидир. Юқоридаги масалалар ечимини ижтимоий буюртмадан ахтарилади. Ижтимоий буюртма глобал – мамлакат даражасида, шунингдек, локал – минтақа ва туман даражасида намоён бўлади. Шунга монанд айрим мактабларда баъзи ўқув фанлари чуқур ўрганилса, баъзиларида эса қўшимча курслар жорий қилиниши мумкин. Булар тоталитар таълим тизимидан демократик таълим тизимига ўтишнинг аломатларидир.

Бироқ ижтимоий буюртма у ёкда турсин, лоақал ўқувчининг идрок этиш имкониятини ҳам ҳисобга ола билмай тузилган қўлланмалар ва ҳатто дарсликларнинг амалиётга кириб қолаётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Юқоридагилардан Таянч ўқув режанинг мактаб компоненти таълимни табақалаш, индивидуаллаш ва умуман таълимни демократик асосда ташкил этиш ҳамда инсонпарварлаштиришнинг муҳим омили, ҳаракатлантирувчи механизми эканига қаноат ҳосил қилса бўлади. Мактаб ихтиёрига берилган соат миқдори ҳозирча ҳар бир синфда ҳафтасига 2 соат белгиланган. Буни етарли деб бўлмайди, албатта. Тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг дидактик хусусиятлари тақозоси ўлароқ, таълим мазмунини интеграциялаш ва шу орқали чегириладиган вақт ҳисобига мактаб ихтиёридаги соатни кўпайтириш мумкин. Таянч ўқув режада вақтни 7 та фан соҳаси: филология, математика, табиий билимлар, санъат, соғломлаштириш машғулотлари ва технология бўйича тақсимлангани ҳам интеграциялашга даъватдир.

ФИКРЛАР ОЧҚИЧИ ТУҲФА ҚИЛИНДИ

Айни кунда сабоқ олаётган ўқувчи-ёшларнинг фикрлашлари, кечагина сабоқ олган биз каби алданганлар дунёқарашидан кескин фарқ қилади. Бунинг асосий сабабларидан бири мумтоз меросни Ислом динидан ажратиб ўрганганлигимиз. Яна бири, маъно ва мазмунни миллий-маънавий камолотга кўтарилган тасаввуф таълимотидан эмас, собиқ социалистик ғоялар тарғибидан изланишга мажбур бўлганлигимизда ҳам эди. Бугунга келиб яна мутахассислар қадимий меросни ўтмишда мавжуд бўлган миллий маънавият нуқтаи назаридан холисона баҳолай бошладилар. Шу сабабли қатор янгича дунёқарашдаги китоблар яратилаётганлиги барчани қувонтирмоқда. Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти ёш адабиётшунос Эргаш Очиловнинг адабий-тарбиявий лавҳалар асосида тузган уч минг тиражли «Муборак сарчашмалар» рисоласини чоп этди. Ушбу рисолада тариқат мезонини асарларига сингдирган муборак сиймолар Шайх Абусаид Абдулхайр, Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Маждиддин Бағдодийларнинг ҳаётлари ва улар қаламига мансуб рубоийлар мажмуи асосли таҳлилга тортилган. Муаллиф асарида суфиёна кечинмаларнинг шоирона талқинидан иборат рубоийлари ҳамда тасаввуфнинг кўплаб нозик назарий масалаларини таништирибгина қолмасдан, ўқувчини маънавий камолотга ҳам етаклайди.

Китобдаги «рисола умумтаълим мактабларининг одобнома ва адабиёт ўқитувчилари, юқори синф ўқувчилари ҳамда кенг китобхонлар учун мўлжалланган»лиги ва 1996 йилги «Болаларга атаб ёзилган китоблар учун кўрик-танловининг ғолиби бўлган»лигининг алоҳида таъкидланиши муаллиф асарига берилган муносиб баҳо. Демак, маънавиятни кўтариш учун жажжи бир туҳфа қўлга тегди.

Ғафур ЭШМОНОВ

Maktabgacha ta'lim

ҲАЁТНИНГ ҚУВНОҚ БОҒЧАСИ

Вазифа тақозоси билан Тайлоқ тумани марказидаги Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг болалар боғчасига ташриф буюрдим. Эшикни очиб, киришга рухсат сўрадим. Боғча мудираси Эрика Фёдоровна Афонина илиқ қарши олди.Суҳбат қизигандан-қизиди.

«ҲЕЧ НАРСАДАН БИР НАРСА»

Эрика опа «ҳеч нарсадан бир нарса» деган сўзни тез-тез такрорлаб турарди. Бунинг сабаби борлигини кейин билдик.

— Ана, кабинетдаги юз бир хил ўйинчоқлар ва қўғирчоқларни кўраяпсиз-а. Тамоман беҳуда бўлиб қолган қўғирчоқларни йиғиб, қайтадан ясаганмиз. Эскилиги сираям билинмайди. Аввало ҳеч нарсадан бир нарса ясашни ўзим тажрибадан ўтказдим. Сўнгра эса тарбиячиларга ўргатдим, улар эса болаларга ўргатишди. Асосий хом ашёмиз қалин қоғоз, тунука қутичалари, пластмасса, полиэтилен шиша ва бошқа идишлардан иборат. Аксарияти чет эл маҳсулотларининг ялтироқ, гуллик қоғозлари, қутичалар ҳамда парча-парча матолардан. Биласизми, бунинг учун озгина қунт ва бирозгина ижодкорлик бўлса, кифоя.

Вилоят ва туманлардаги кўпгина болалар муассасаларида бўлганман. Менимча, баъзилар ўз меҳнатининг қадрига етмайди, ардоқламайди. Ҳамма баҳона, айбни бозор иқтисоди муаммоларига тўнкайди. Мен унақаларни «олма пиш, оғзимга туш», ёхуд «куним ўтса бўлгани» қабилида номигагина ишлайдиган кам-ҳафсала кишилар деб биламан, холос. Ахир «тоққа чиқмасанг, дўлона қайда...» деганлар-ку.

ҲАР КУН БАЙРАМ БЎЛСА

Жамоада ҳар байрам бир шодиёна. Тантаналарнинг мароқли ўтиши учун тарбиячилар тузадиган махсус дастур ҳам бор. Саҳнани, хоналарни, теварак-атрофни болалар ёқтирган халқ эртакларидаги суратлар, нақшлар билан безаш, шиорларни чиройли ёзишда институтнинг моҳир мусаввири Вероника Алимованинг хизмати беқиёсдир.

Айниқса, боғчада ташкил этилган қўғирчоқ театрининг ҳар бир чиқишини болалар интизорлик билан кутишади.

БОҒЧА ҲАМ ОИЛА

Аслида соғлом оила – соғлом авлод дегани. Соғлом авлод эса келажаги буюк давлатнинг таянчи. Боғча ҳам бўлажак авлодни соғлом вояга етказишда муҳим ўрин тутади. Мураббийлар бу масъулиятни қалбан ҳис этган ҳолда унга амал қиладилар. Бунинг учун боғчада шароит ва имконият мавжуд. Тиббий ҳамшира Лариса Столярчук ўз касбининг фидойиси. У болажонлар саломатлигини ҳамиша муҳим деб билгани сабабли ҳар куни болалар орасида. Кичкинтойларни вақт-вақти билан назоратдан ўтказади. Зарурият туғилиб қолса, алоҳида тиббиёт хонасида дори-дармон тайёр. Аксарияти гиёҳлардан тайёрланади. Болаларга улардан шифобахш, хушбўй чой дамлаб беради. Ҳар бир муолажани аниқ, синалган тажриба асосида ўтказади.

ЯХШИ НИЯТ – ИШГА МАДАД

Алқисса, ёзаверсак, мақтовли ишлар кўп. Инчунин, айрим муаммолару катта орзу-мақсадлар ҳам талайгина. Эрика опа келгусида қилиниши зарур бўлган ишлари истагида ҳамиша андармон.

Опа боғчада доирачилар ансамбли ташкил қилиш, бадантарбия учун махсус жисмоний тарбия, билим пойдеворини мустаҳкамлаш мақсадида эса лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўргатадиган муаллимларни таклиф этиш нияти борлигини билдирди. Эзгу тилакларнинг ижобат бўлишини тилаб қоламиз.

Абдусалом МУҲАММАДАЛИЕВ

Beruniy tavalludining 1025 yilligiga

АЛЛОМАЛАР СУЛТОНИ

1973 йили ЮНЕСКОнинг қарори билан қомусий олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний таваллудининг 1000 йиллиги дунёдаги тараққийпарвар кишилар томонидан кенг нишонланган.

Алломанинг бекиёс ижоди, XIX асрнинг бошларидан бошлаб кўплаб Шарқ ва Ғарб олимларининг эътиборини ўзига тортди.

Машҳур шарқшунос олим Захау: «Ўша замон араб фанининг даражасидан кўтарилган мағрур бир чўққи» ёки «Ҳиндшуносликда унга тенг кишини на илгари ва на сўнгги вақтларда ўтганлигини билмаймиз», деб ёзган эди. Европанинг машҳур олимларидан Розен ҳам Берунийнинг ҳиндшуносликдаги хизматларига баҳо бериб: «Берунийнинг «Ҳиндистон» номли асари бутун қадимги ўрта аср Ғарб ва Шарқ адабиётида мисли кўрилмаган ёдгорликдир», деб атайди. Ҳинд халқининг ажойиб фарзанди Жавахарлал Неру: «Берунийнинг бу асари Ҳинд халқининг тарихи ва маданиятига берилган одилона баҳо», деб ёзади.

Беруний 973 йил 4 октябрда Хоразмнинг қадимий пойтахти Қиёт (хозирги Беруний тумани) шаҳри яқинида туғилади. Беруний лақаби унинг шаҳарнинг ташқарида таваллуд кўрганлигини англатади.- Қомусий олимнинг ижодига ундан олдин ўтган Фалес ва Пифагор, Гален ва Гиппократ, Эвклид ва Птолемей, Платон ва Аристотель каби юнон олимларининг ижоди кучли таъсир кўрсатади.

Беруний тарих, фалсафа, маъданшунослик (минерология), геодезия, жуғрофия, ҳиндшунослик, биология, физика, математика каби фанлар бўйича 200 дан ортиқ йирик рисолалар ёзгани маълум бўлса-да, бизгача улардан фақат 27тасигина етиб келган. Олимнинг фақат физика фанининг ривожига кўшган хиссасини тасаввур қилмоқ учун унинг моддият, материя, дунёнинг моддийлиги, табиат ва табиат ходисаларини ўрганиш усуллари (методологияси), ҳаракатнинг турлари, денгиз ва океан сувларининг кўтарилиши ва пасайишининг сабаблари, ёруғликнинг хоссаси, товуш ва ёруғлик тезлиги, Ер ва бошқа сайёраларнинг Қуёш атрофидаги харакатларининг айлана шаклида эмас, хозирги атама билан айтганимизда, эллипсга яқинлиги, фазовий жисмларнинг вазнсизлиги каби кўпгина ажойиб кашфиётларининг хозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотмагани буюк бобокалонимизнинг, С.П. Толстов айтганидек, ўз замонидан 500 йилларга эмас, балки 1000 йилларга ўзиб кетганидан далолатдир.

Худди шунингдек, Берунийнинг «Ёруғликнинг табиати» ҳақидаги башоратлари ҳам XX асрларга келиб, исботлангани ва илмий ҳақиқатга айланганги ҳам, айниқса, ҳайратланарлидир.

Беруний фалсафа илмининг ҳам улуғ султони эди.

«Материя – конкретлик кийимини кийиб, у ёки бу нарса шаклида кўринади.

Шундай қилиб, материя ўзидан конкрет нарсаларни вужудга келтириб туради.

Вужудга келиш-борлиқ ўзгаришида ва тараққиётидадир. Табиатнинг кучи ҳам шундадир.

Нарсаларнинг шаклини материянинг ўзи қўшиб, ўзгартириб туради.

Демак, шу материя яратувчидир», деб ёзган эди аллома.

Табиий бир савол туғилади: демак, Беруний материалист олим сифатида илоҳийликни инкор этганми?

Йўқ, асло. Балки Берунийнинг имони кучли бўлган. Афсуски, кўпинча баъзи адабиётларда илоҳийлик моддийликка зид кўрсатилади. Аксинча, Қуръон оятлари ҳам дунёнинг моддийлигини тасдиқлайди. Демак, Берунийнинг юқоридаги материалистик ғоялари илоҳийликни инкор этмаган ҳолда моддийликни тасдиқлайди. Ислом нуқтаи назаридан ҳам, Берунийнинг қарашида ҳам илоҳийлик ва моддийлик эгизакдир. Уларни бир-биридан ажратиб қарамаслик керак.

Беруний тиббиёт илмида ҳам машҳур эди. Унинг «Фармокогнозия» асари минг йилдан бери кўпчилик табобат илмининг мухлислари учун қўлланма вазифасини ўтаётир. Шунингдек, унинг геодезия, минералогия, география, тарих, математика ва астрономия соҳасидаги ишлари ҳам ҳануз ғарб ва шарқ олимларининг эътиборида.

Республикамизнинг мустақиллиги шарофати билан буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросларини ўрганишимиз учун имконият туғилди.Кейинги қиска вақт ичида буюк алломаларимизнинг, шунингдек, кўхна Хива ва Бухоро каби шаҳарларимизнинг муборак тўйлари дунё миқёсида кенг нишонланишининг ўзи ҳам, ўзбек халқининг буюклар ичида буюклигидан бир нишонадир.

Алломалар султони буюк бобокалонимиз Беруний таваллудининг 1025 йиллиги, Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ва Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик муборак тўйларига қўшилиб, кенг нишонлаётганлиги ўзбек халқига ва унинг аждодларига дунёнинг тараққийпарвар кишилари томонидан билдирилаётган ҳурмат ва эътиборнинг яна бир намунасидир.

Халқнинг улуғлиги унинг сони билан эмас, балки жаҳон маданиятига қўша олган улкан хиссалари билан ўлчанади. Зеро, ўзбек халқи Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва Улуғбек каби алломалар билан ҳақли равишда буюк халқлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, жонажон Ўзбекистонимиз чиндан ҳам келажаги буюк давлат, буюк давлатларни эса буюк халқлар қуради.

Тошпўлат УСМОНОВ,
Абдулла Авлоний номли халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш Марказий институти доценти,
Акром АҚМАЛОВ,
Педагогика фанлари номзоди, доцент,
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи

КЎНГИЛ ВАТАННИНГ ВАТАНИ



«Бир ватан бор, Менда, менинг ичимда» дейди Юнус Эмро. Дарҳақиқат, Ватан аталмиш маҳобатли унсур, Ватан муҳаббати дейилмиш муқаддас туйғу қўнгилда макон тутади. Бу туйғулар юрт сарҳадларию, эл-улус туриш-турмушидан тажаллий топади.

Алишер Нарманов Деҳқонобод туманидаги 7-ўрта мактабнинг география ўқитувчиси. Демакки, ўқувчилар қалбида юртга муҳаббат учқунларини алангалатишнинг яловбардорларидан. Тошкент Давлат Университети, география факультетини битирган Алишер ака мана ўн йилдан ошдики, ўқувчиларга география, унинг фанлар ичида тутган мавқеи, унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида билим бериб келмоқда.

Бу муаллим билан суҳбатда шу нарсага амин бўлдимки, Алишер Нарманов бугунги кун ўқитувчиси деган номга муносиб. У киши география фанининг шу кун талаблари даражасида ўқитиш учун керакли методик қўлланмалар ишлаб чиққанлар. Маълумки, таълим-тарбия соҳасида катта ислоҳотлар бўлмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» мустақил юртимиз келажаги бўлган болаларни ҳар тарафлама билимли, юксак маданиятли қилиб тарбиялашдаги муҳим дастуриламалдир. Янги 1998 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш кенг жорий қилинди. Алишер Нарманов рейтинг усулининг афзалликлари, ўқувчилар билимини баҳолашда самарали фойда бераётганлиги ҳақида ҳам тўлқинланиб сўзлади.

Рейтинг усулининг фойдали томонлари ҳақида методик қўлланма ҳам ишлаб чиққанлар. Бундан ташқари А.Нарманов ўз вилояти ёки тумани доирасида харита чизиш,мактабда география ҳафталигини ўтказиш,ўзи яшаётган жойнинг иқлими, ўсимлиги ва тупроғи, тоғларнинг баландлигини ўргатиш, И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини география фанига боғлаб ўтиш сингари бир қатор қўлланмалар тузганликларини ҳам айтиб ўтдилар.

География бугун ер юзининг глобал муаммоси бўлиб турган экология билан боғлиқ. Ўзбекистонда ҳам экологик муаммоларни истаганча топиш мумкин. Ўқитувчи фақат билим берувчигина эмас, балки ижодкор ҳам бўлмоғи керак. А.Нармановни ҳам ижодкор ўқитувчи дейиш мумкин. Домла Деҳқонобод туманидаги маҳаллий шароит, ўзи яшаб турган жойдаги экологик муаммолар ҳақида куйиниб сўзлайди, бу муаммоларнинг олдини олиш, уни бартараф қилиш йўллари ҳақида ўқувчиларига йўл-йўриқлар, кўрсатмалар беради.

Бу юртнинг ҳар бир қаричи муқаддас, тупроғи олтин. Бу ватан кенгликларида кўнгил яйрайди. Ҳали яхши ёмонни кўрмаган, Ватан туйғусини тўла ҳис қилмаган болаларда юрт мустақиллигидан фахрланиш, унинг жаннатмакон ўлка эканлигидан ғурурланиш туйғуларини шакллантиришда Алишер Нарманов каби ўқитувчиларнинг меҳнати катта.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Ta'kid

БАРКАМОЛЛИК ЗИЙНАТИ

Республика матбуоти ҳар йили сентябрь - декабрь ойларида газета ва журналлар учун обуна эълон қилади. Халқнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида меҳнат қилиш ва улардан баҳраманд бўлишга ундаш – бўлар савоб ишлар. Аммо бу чорловларнинг акс -садоси қандай бўляпти? Ҳамма гап ана шунда.

Мен бу жараёнга бир ўқитувчи сифатида муносабат билдирмоқчиман. Ўтган инсон манфаатлари йилида Узбекистон матбуоти яна бир журналга бойиди. Бу Президентимиз фармони билан ташкил топган «Жаҳон адабиёти» адабий -бадиий, ижтимоий-публицистик журнал бўлиб, у билан жаҳоншумул етуклик сари яна бир пойдевор тикланди. Журнал бу йили ҳам мунтазам чиқиб турибди. Лекин афсуски, дастлаб тиражи 5000 нусхадан нашр этилган бу журнал 1998 йилнинг ярмига келиб, 4000 тага тушиб қолди. Бу нима, йигирма икки миллиондан ортиқ узбекдан беш мингта ҳам китобхон чиқмайди, деганими? Ахир беш қитъадан дур териб тизилган, жаҳоннинг адабиёти деб ном олган журнал шу кунги бозор иқтисодиёти шароитида узбек миллатига қилинган туҳфа эдику?! Авлодларимиз орзу қилган муборак дамларнинг келгани шу эмасми?!

Ҳамма гап нарх-наводами? Йўқ. Шахсан мен ўқитувчи бўлатуриб, журнал баҳосини қиммат демайман. У ҳатто бир шиша «Спрайт» сувидан арзонку? Менимча, ҳамма гап савияда бўлса керак.

Яқинда нуфузли дорилфунунларнинг бирида журнал таҳририяти билан ўтказилган ижодий учрашувда иштирок этдим. Суҳбатдан сўнг савол-жавобларга ўтилди.

—Саволлар борми?

Залда жимлик.

—Ораларингизда ким журнални ўқиб боради?

Биронта талабанинг қўли кўтарилмади.

Ваҳоланки, дорилфунун кутубхонасига шартнома асосида журналнинг нашр қилинган ҳар сонидан икки дона берилар экан... «Маънавият ва маърифат маркази» хонаси жуда яхши жиҳозланган. Ходимлар ишлаб турибди. Аммо талабаларни учрашувга тайёрлай олмаганлар. Менимча, бунақа ҳужжатларсинга ўтказиладиган тадбирлардан ҳеч кимга наф бўлмаса керак. Фақат қимматли вақтимизни йўқотамиз, холос.

Ҳаётни кузатар эканман, «ҳа, нур борки, соя ҳам бор-да», дегим келади. Узини зиёли деб билган ҳар бир инсоннинг вазифаси эса соянарварларни нур бор жойга етаклаш бўлса керак.

Журналнинг ўқитувчи ва ўқувчилар учун аҳамияти катта. Тарих, адабиёт фанларидан дарсликлар муаммоси кечиб турган дамларда журнал саҳифаларида босилаётган материаллар жуда яхши қўлланма бўлиши мумкин. Узбек адабиёти намояндалари Паҳлавон Маҳмуд, Чўлпон, Фитрат ҳақидаги илмий мақолалар, наср ва назмда берилаётган асарлар ҳамда «Китоблар оламида» «Мангуликка даҳлдор» рукнларидан адабиёт дарсларида фойдаланиш мумкин бўлса, «Тарих тилга кирганда», «Мозийдан садолар», «Ижтимоий ҳаёт», «Солнома» рукнларида босиладиган мақолалар, тарихий мавзудаги асарлар тарих дарсларимизда қўшимча материал бўла олади. Мак-Гаханнинг «Хиванинг қулаши» номли йирик асаридан берилган парча Узбекистон тарихидан тайёр лавҳаку. Дорилфунуннинг журналистика қуллиётида таҳсил олаётган талабаларимиз Артур Хейлиннинг «Оқшом хабарлари» романини ўқиб чиқиш билан Америка матбуоти ҳақида қизиқарли маълумотлар олишлари мумкин.

Ҳа, олдингдан оққан сувнинг қадрига етиш вақти келди. Энди руҳимизни беш қитъага бўлиб яшайлик. Зеро, баркамоллик ўқишдан, ўқишдан бошланади.

Гулнора МУҲАММАДЁРОВА,
олий тоифали ўқитувчи

Маълумки, жаҳон тажрибасида бошланғич таълим тобора юқори синф томон силжимоқда. Эндиликда уч йиллик бошланғич таълим Хитой, Россия ва Колумбиядагина қолди. Ривожланган давлатлардан айримлари, ҳатто олти йиллик бошланғич таълимга ўтган. Бунга асосан ўқув фанлари сонини қисқартириш, яъни интеграциялаш эвазига эришилмоқда. Бу жараённинг олдида кетаётган АҚШ, Германия мактабларида ўрганиладиган илмий тушунча ва категориялар сонининг қисқараётганлиги характерлидир. Жумладан, АҚШ мактабларида жами 10 минг илмий тушунча билан шуғулланилса, собиқ СССРдаги мактабларимизда илмий тушунчалар сони 50 мингга яқинлашарди. Ўқув юклама (тушунчалар)нинг бундай нисбатининг «сири» фақат ва фақат таълимни интеграциялашдадир. Дарҳақиқат, дидактик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўқувчини билимдон қилмоқ учун тушунчалар сонини кўпайтиришга ружу қилавермай, балки фикрни ўстирувчи, салоҳиятни таълимий системаларни ишга солишимиз керак. Таянч ўқув режада фан соҳаларини алоҳида ажратиб кўрсатилганини шуларга ҳам даъват деб тушунмоқ лозим.

Оз сонли элат, миллат вакилларининг она тилларида таълим олишлари учун Ўзбекистонда ўрта умум таълим 7 тилда олиб борилмоқда. Қайси тилда ўқишларидан қатъий назар фуқароларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётига фаол киришиб кета олишига имконият яратиш мақсадида Таянч ўқув режанинг давлат ихтиёридаги соат ҳисобидан ўрганиладиган филология соҳаси: давлат тили, таълими тил ва адабиёт предметларидан иборат қисмларга бўлинди ва давлат (ўзбек) тилини ҳамма мактабларда ижтимоий зарурият даражасида билишлик учун етарли вақт ажратилди.

Таянч ўқув режа мамлакат ҳудудида ягона таълим мазмунини кафолатлайди, айни вақтда таълимга алоқадор ҳудудий эҳтиёж ва имкониятни рўёбга чиқишига йўл очади. Натижада ўқувчи, ота-она ва жамоатчиликнинг таълим-тарбияга бўлган қизиқишлари қониқтирилиб, таълимнинг демократлашув йўлидаги турли маъмурий буйруқбозликлар бартараф этилади. Аммо тилларни ўзаро алоқадорликда ўрганишни оптималлаш, таълимни интеграциялашни қайси синфгача давом эттириш, мактаб компонентининг дидактик системасини яратиш сингари ечимини кутаётган масалалар ҳам борким, инчинун, Таянч ўқув режа тажриба тариқасида жорий қилинмоқда.

Таянч ўқув режа икки жиҳатнинг мувозанатидан вужудга келади. Биринчи жиҳат, жамият аъзоларининг таълимий хизматга бўлган ижтимоий буюртмаси, иккинчи жиҳат эса бу – реал имкониятдир. Ижтимоий буюртма таълимнинг давлат стандарти (модул инъикоси) кўринишида ифодаланиб, мамлакат аҳолиси таълимий даражасининг энг қуйи меъёрини ифодалайди.

Таълимга бўлган «ижтимоий буюртма» цивилизациянинг макон ва замон ўлчамлари даражасига ҳамоҳанг ўзгариб туради. Модомики шундай экан, мамлакат буюртмаси (таълим стандарти)ни турли йиллар бўйича таққосланса ёки бошқа давлатларникига муқояса қилинса, у яққол кўзга ташланади. Бинобарин, ижтимоий буюртма ва унинг мавжудлик ифодаси – давлат таълим стандарти фақат ва фақат Ўзбекистоннинг менталитети (демографик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва этно-педагогик ўзига хосликлари)га мувофиқ белгиланади. «Ижтимоий буюртма»ни тўғри англаш ва уни белгилаш ўта маъсулиятли ўта қалтис, маълум маънода хавфли ҳамдир. Бунинг сабаби шундаки, агар ижтимоий буюртмани белгилашда мамлакат эҳтиёжидан, ҳаёт имкониятларидан узилиб қолинса, унга асосланиб белгиланган таълим тизими жамиятни тараққиёт сари етаклай олмайди ёки аксинча, таълим олувчиларни кераксиз (ортиқча) зўриқтириб қўяди. Аёнки, ҳар икки ҳолда ҳам шахс, демакки давлат, жамият катта зарар кўради.

Вақт ўтиши билан Таянч ўқув режанинг давлат компонентидаги ўқув фанлари мазмуни (давлат таълим стандарти) ижтимоий буюртмадан ортда қола бошлайди. Яъни давлат таълим стандарти билан шахснинг тиббий-физиологик ҳамда интеллектуал имконияти ўртасидаги мувозанат ўзгариб, пировард оқибатда мавжуд таълимий юклама меъёрини ўзгартириш ижтимоий зарурятга айланади. Ана шундай давлат таълим стандарти вақтинчалигини ва у беш йилга мўлжалланганини англаса бўлади. Демак, давлат таълим стандарти амалиётга жорий этилишига тадрижий ҳолда 5-10 йилдан кейинги таълим сифати меъёрларини башоратловчи илмий тадқиқотларга киришилаверади. Хуллас, махсус тикилган кийим қулай ва бежирим бўлгани сингари, ижтимоий буюртма (унинг амал қилиш воситалари – давлат таълим стандарти билан Таянч ўқув режа) ҳам Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий, тарихий, этник, этнопедагогик ўзига хосликлардан вужудга келади, зиҳор хориждан келтирилмайди.

Кези келганда, Германия, Япония ёки АҚШ каби хорижий давлатлар таълим тизимига маҳлиё бўлиб, бизда ҳам таълим мазмуни шундай бўлишини ихтиёр қилувчиларга ишнинг масъулиятини теран ва ҳар тарафлама ҳис қилишларини қатъий равишда таъкидлаб қўймоқчимиз. Тўғри, хорижнинг илғор педагогик технологиясидан, айниқса, ўқув методик мажмуаларидан ибрат олиш ва ҳатто нусха кўчириш фойдадан холи эмас. Жумладан, хорижнинг педагогик технологиясини, хусусан, дидактик воситаларнинг янги-янги авлодларини, программалаштирилган методик дарс системаларининг (айнан ўзини эмас) принципларини олиш мумкин. Анъанавий чизмачиликда нарсанинг чизмасини унинг аслига қараб чизиш афзал кўрилди. Хорижда кенг тарқалган бундай усулда инсоннинг барча сезги анализаторлари иштирок этади. Дарҳақиқат, психологик тадқиқотлар ўқув материаллар ўзлаштирилиши сезги анализаторларнинг кўп жалб қилинишига боғлиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Германия, Япония сингари ривожланган давлатларда анъанавий карта ва атласлар ўрнида ихчам, чидамли, энг муҳими дидактик жиҳатдан самарали митти слайд (қатлама) карталардан фойдаланилади. Шундай слайд карталардан «сигарет қутичасидек» мосламага 100 таси жойланади. Қатлама усулидаги атласлардан фойдаланишда картографик юкламани ўқувчи салоҳиятига мослаб, исталганча соддалаштириш ёки мураккаблаштириш мумкин. Бундай таълим воситасида ўқувчиларни табақалаб ўқитиш осон кечади.

Программалаштирилган методик дарс системалари воситасида эса, таълим жараёнини экстенсив йўлдан интенсив йўлга ўтказиш ҳам мумкин. Натижада анъанавий ўқитувчилик касби моҳиятан программалаштирилган таълим системаларини пульт воситасида бошқарувчи (ўқитувчи-оператор)га айланади. Бунда синфдаги ўқувчилар сони ҳозиргидан 2-3 марта кўп бўлганда ҳам ўқитувчи толиқмайди. Дарҳақиқат, Туркияда янги педагогик технология шарофати ила ўқувчилар сони 60 тадан ортиқ бўлган синфларда дарс бериш одатий ҳолга айланган.

Давлат таълим стандарти шу мамлакатгагина хос экан, жаҳон стандарти, жаҳон меъёрларида таълим беришга даъватларни қандай тушуниш мумкин? Исталган мактабда шундай ўқувчилар бўладики, улар тиббий-физиологик ва интеллектуал (қобилияти, истеъдоди) имкониятларига кўра давлат таълим стандарти даражасидан анча илгарилаб кета оладилар. Бинобарин, билимдонлик, салоҳият бобида жаҳон стандарти анчайин мавҳум ўлчам, эҳтимол, биздаги ўқувчиларнинг муайян қисми жаҳон стандарти даражасини белгилар. Чунки, АҚШ, Германия, Туркия сингари давлатларда таълим олаётган ўқувчиларимиз у ерлик ўқувчилар билан бемалол рақобатлашаётгани ва ҳатто улардан устунлигини намойиш қилаёт-гани сир эмас-ку, ахир!

Таълимга бўлган ижтимоий буюртмани ҳаётга самарали тадбиқ қилинишида педагогик технологиянинг аҳамияти бекиёс. Ижтимоий буюртмага педагогик технология мутаносиб бўлмас экан, таълим жараёнида ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам зўриқишга мажбур бўлади. Педагогик технологияни такомиллаштириш, табақалаб ўқитиш, шунингдек, ўқиш муддатини узайтириш таълимий зўриқишни бартараф этишнинг муҳим чоралари ва кафолатидир.

Хуллас, ижтимоий буюртма ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий даражаси билан уйғунлашгани маъқул. Айни вақтда ҳар бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми эканлигидан, жаҳонда рўй бераётган жараёнлардан, хусусан таълимнинг меъёрий ўзгаришларидан воқиф бўлиб туришлик лозим. Акс ҳолда, мамлакат жаҳон цивилизациясидан ортда қолиши, ривожланган мамлакатларни турли кўринишдаги экспансиясига дучор бўлиши мумкин. Демак, Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, «шу куннинг ҳаловати, эҳтиёжи билангина яшамай, эртанги кунни ҳам ўйлаш керак».

Фаёз МУСАЕВ,
Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти умумий ўрта таълим мазмуни ва стратегиясини белгилаш бўлимининг мудири, педагогика фанлари номзоди

ШАҲИД ҚИБЛАСИ

(достондан парча)

Баҳром Маҳмуд Қашқадарёнинг қадимий Насаф шаҳрида яшайди. Ўзи, оиласи, ўғли, қизи, келини ҳам ўқитувчи. Шу касбни ардоқлаган сулола. Бир неча йилдан бери вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида хизмат қилади.

Энг машаққатли йўл, бу – ижод йўлидир. Кундузлари дарс ўтиб, тунлари ижод қилишга тоғдай бардош керак. Баҳром ака ҳам машаққатли йўлнинг йўловчиси.

Маълумки, мустақиллигимиз йўлида шаҳид бўлганлардан бири Туркистоннинг истеъдодли фарзанди Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. Машъум тузум Беҳбудийлар номини кўп йиллар ноҳақ қора пардада сақлаб келди. Билмаган авлоддан уни сир тутди. Минг шукурлар бўлсинким, мустақиллик бу қора пардани юлқиб ташлади. Беҳбудий сингари миллат тараққийси учун кўп заҳматлар чеккан фарзандларининг покиза сиймосини авлодларга энди танитмоқда.

Мана, қўлимизда Баҳром Маҳмуднинг яқинда ёзиб тугатган «ШАҲИД ҚИБЛАСИ» номли достони. Муаллиф мазкур манзумасида бу буюк зотнинг маърифий қарашларини баҳоли-қудрат ёритишга ҳаракат қилган. Қуйида ҳукмингизга шу достондан парча ҳавола этамиз.

Таҳририят

ДУО

Тонг ёришди, оқ ҳарир нурда
Борлиқ узра сукунат зийрак,
Ўйин тушар боғда шаббода,
Чилдирмачи новча қўштерак.
Шу аснода бир нуроний чол
Келар секин қўлида ҳасса.
Кўзи тушгач, йиғилди хаёл
Рўпарада нақшин дарвоза.
Секин чертди дарвозани у,
Қўш табақа очилди шу зум.
— Келинг, тақсир! —дейди мезбон
Нигоҳида майин табассум.
Қўл олишиб икковлон хурсанд,
Сўнг юришди ичкари томон.
Бахшитепа муллоси бу зот,
Хизр назар солган чин инсон.
Суҳбат борди, ўртада таом,
Айланади гулдор пиёла.
Асал томиб меҳмон тилидан
Мақсадини қилди ҳавола:
— Пирим, бизга Тангри таоло
Карамидан берди бир ўғил.
Маҳмудхўжа қўйдик отини.
Аллоҳнинг чин иноятн шул.
— Табрик ҳазор, э, Беҳбудхўжа,
Умрингизнинг бўлмас поёни.
— Қани овмин, аввали худо
Омон бўлсин гўдакнинг жони!
— Раҳмат тақсир, чорлашдан мурод
Қулоғига айтсангиз азон.
Токим Расул номин этиб ёд,
Вужудига ёйилсин иймон...
... Гуллибосга ўраб болани
Олиб кирди падари шу чоқ.
Қулоғига етганда товуш
Йиғисидан тинди чақалоқ.

— Бир фазилат бор бу гўдакда!
Сезгиси бут, — деди пирий зот.
Дуо қилди, мардуми улуғ
Улғайгуси комил, пурҳиммат.

ОТА ҲИКМАТИ

Қора қузғун Туркистонни
босди галалаб.
Қанотидан ёғар зулм
тун-кун жалалаб.
Кундан-кунга фожиалар
ўсди, басма-бас.
Эр йигитлар юрагида
ёнар ўч, қасос.
Қасоскорни итдай пойлаб
қопдилар ёмон.
Уйноқ қалбни ўлдирдилар,
этдилар зиндон.
Халқнинг доно фарзандлари
қилинди қирғин.
Ким маърифат йўлин тутди
Сибирга сургун!
Халқ безовта, юрт кўп нотинч,
йўқ танда ором.
Оёқ етган томонларга
кетди кўп одам.
Беҳбуд имом тўшакда у,
ётар хаста ҳол.
Ўғлига дер: — Эшит болам,
гапим англаб ол.
Бешик бўлди Бахшитепа
сен туғилган жой.
Кундузи йўқ, тепасида
доғли нимта ой.
Униб-ўсиб йигит бўлдинг
баркамол, дуркун,
Вужудингда юртинг меҳри
айланиб юрсин.
Қора кунлар кетган эмас,
элнинг бошидан.
Токайгача тош чиқади
ичган ошидан.
Токай қора либосдадир
Туркистон она,
Қачон ўзбек таралади,
жумла жаҳона.
Якка чўпни букмоқ осон
чунки, камқувват.
Бирлашганлар тўзимайди,
айни ҳақиқат.
Ҳар юракда уйғонса бот
миллат ғурури,
Кураш йўлин ёритади
маърифат нури.
Ота сўзи қўрғошиндай
дилга қўйилди,
Ўғлон гўё бу дунёда
қайта туғилди.

«ҲАҚ ОЛИНУР, БЕРИЛМАЙДУР»

Минг тўққиз юз ўн еттинчи йил,
Февраль қиши. Момоқалдироқ!
Туркистон кўп нотинч. Зулм.
Ҳар юракда ваҳм, зирқироқ!
Самарқанд ҳам бўронда кема,
Гап юради андакки тотлик.
— Рус, инқилоб, мусулмонга ҳам
Берар эмиш жиндак озодлик!
Ким ишонар, кимдир ишонмас,
Ҳар-ҳар жойда йиғилиш, баҳс.
Ёшлар бир ён, кексалар бир ён,
Бир-бирини тушунмас улар,
Авомлик кўп беради зиён.

Катта йиғин, аҳли Самарқанд,
Тўпланишган, кекса-ёш, тиқиқ.
Мажлис боши Беҳбудий
Ҳозир ҳалққа ирод этар нутқ.
— Ассалом, эй, мазлуми уммат!
Гўшингизга сингсин дардларим.
Кенгашайлик етган бу фурсат,
Айтай сизга юрак гапларим.
Неча кунки Самарқанд нотинч,
Рус ерида турди инқилоб.
Етиб келди Туркистонга ҳам
Бу инқилоб эпкини шитоб.
Кўзни очинг, мустаъбид замон
Не жафолар кўрсатди сизга.
Ақча, қози, муллолар бизга
Нима берди, ўйлайлик бундоқ.
Қонунлари яроқсиз, ёлғон,
Халқ бўйнига илинган занжир.
Жаҳолатга судрайди элни,
Миллат токай этилар таҳқир.
Ҳақ олинур, лек берилмайдур,
Қизиғида боссак темирни.
Сўнг пушаймон, ўзингга душман,
Қайта бермас худо умрни.
Бирлашайлик, азиз юртдошлар,
Лозим диний, миллий ислоҳот.
Ташланг ёвлик, ҳамда нифоқни,
Йўқса бозки бўлурмиз ғорат.
Истайсизми Мухториятни!
Бўлсин ҳуқуқ, бўлсин еримиз.
Ўз сувимиз ва мактабимиз,
Йигитлардан аскар-шеримиз!
Есак ҳалол, топган нонимиз,
Давлат бўлиб бошқарсак ўзни.
Бир мушт бўлиб тугулсак фақат,
Ғайри қарға чўқимас кўзни.

ЁД ЭТ, ЭНДИ ТУРКИСТОН!

Самарқандда мудҳиш қора тун,
Итдай изғир, шакл-шарпалар.
Оҳ, Самарқанд, ғафлатда қолдинг
Беҳбудийни ўғирлаб улар...
йўқотдилар бегўр, бекафан.
Ҳадиксираб ғайри дин зотлар
Элдан буни тутдилар пинҳон.

Ўлим келди унга рўбарў,
Лек ўлимдан қўрқмаган бу жон.
Фақат қийнар уни бир алам,
Ушалмади юракда армон.

Мард бўлсанг ҳам, номард бўлсанг ҳам
Ўлим буни сўраб ўтирмас.
Мардлар тикка туриб ўлади,
Ғанимларга бошларин эгмас!

Ғафлатда қолдинг Турон,
Атрофга сачради қон.
Беҳбудий бермоқда жон.
Уйғон, Туркистон уйғон!

Ғайрилар кўп отди тош,
У, асло эгмади бош.
Миллатим, деб берди дош.
Уйғон, Туркистон уйғон!

Қон кечди машъум замон,
Ёмон кўлларда дарё.
Сўйилди қанча ўғлон.
Уйғон, Туркистон уйғон!

Беҳбудийнинг дўстлари,
Садриддин Айнийлари.
Фитрат, Авлонийлари,
Уйғон, Туркистон уйғон!

Беҳбудийнинг руҳи-қуш.
Учиб юрар озод, хуш.
Ҳаққа айланди ул туш.
Ёд эт, энди Туркистон!
Шод эт, энди Туркистон!

Баҳром МАҲМУД

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Қўшимча таълим мажмуида болалар етакчилари семинарлари мунтазам ўтказилиб келинади. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай семинарлардан бирида туманнинг 34 та мактабларидан келган болалар етакчилари иштирок этди. Улар таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштиришга оид маърузалар тинглаш билан бир қаторда, суҳбатлар ва амалий машғулотлар ҳам уюштирдилар. Семинарни туман ХТБнинг фаол услубчилари М. Аҳмедова ва М. Низомовалар ташкил этишди.

Жамоатчи мухбиримиз Равиль Альбеков олган суратда услубчи М. Низомова ва болалар етакчиларининг қизғин мунозаралари акс этган.

Quvnoq startlar

ҒАЛАБА ИШТИЁҚИ

«Қувноқ стартлар» телемусобақасининг бу галги финал беллашуви саралаш баҳсида майдонга тушган Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 14-мактабнинг «Қунғирот» ҳамда Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 5-мактабнинг «Оқолтин» командаларининг учрашуви ҳам шиддатли курашлар остида ўтди. Дастурнинг илк мусобақасида («Тезкорлик») ҳар икки командадан қатнашган саккиз ўғил ва саккиз қиз тўсиқлараро югуришда маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Маррага биринчи бўлиб етиб келган «Қунғирот» командаси аъзоларига йўл қўйилган битта хатони ҳисобга олган ҳолда 8 балл берилди. Дастурнинг иккинчи мусобақаси — «Урин алмашиш»да, тўсиқлараро акробатик ҳаракатда янада чаққон ва бехато ҳаракат қилган музработлик ўқувчилар 10 балл соҳиби бўлишди.

«Чўп оёқда тўп тепиш» дастурида қатнашган икки ўғил ва икки қиз беллашувида ҳам «Қунғирот» командаси аъзолари 8 баллни қўлга киритишди.

Олтитадан қиз иштирокидаги «Тўп сардорга» мусобақасида (ҳисоб-3:2) сардор қўлидаги баскетбол саватига тўп тушириш бўйича яна музработликлар 10 балл олишди. «Дарвозага тўп киритиш» мусобақасида ҳам «Қунғирот» командасига омад кулиб боқди (ҳисоб – 4:3).

Кескин ва муросасиз кураш остида ўтган учрашувда 74:10 ҳисобида ғалаба қозонган сурхондарёлик ўқувчилар XVI республика «Қувноқ стартлар» мусобақасининг иккинчи давра ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

«Қувноқ стартлар» мусобақаси иштирокчилари бўлган мазкур мактабларда спорт оммавийлиги ҳақида қисқача сўзлаб беришни илтимос қилиб ўқув масканлари раҳбарлари – Музработ туманидаги 14-мактаб директори Хурсанд Бегимқулов ҳамда Оқолтин туманидаги 5-мактаб директори Ҳайитбой Ёрқуловга мурожаат қилдик.

Хурсанд Бегимқулов:

Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ўқитувчиларимиз Ҳақназар Бадимуродов, Абдуғаффор Турсоатов, Толиб Исмоилов, Орзу Хушвақтовларнинг хизматлари катта.

Мактабда спортнинг футбол, қўл тўпи, стол тенниси, енгил атлетика ва бошқа турлари бўйича тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Айниқса, бошланғич ва юқори синф ўқувчилари ўртасида «Қувноқ стартлар» мусобақаларига кўплаб ўқувчилар иштирок этмоқда.

Ҳайитбой Ёрқулов:

Ўқувчиларимиз 1974 йилдан буён «Қувноқ стартлар» мусобақаларида иштирок этиб келмоқда.

Мактабимизнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари Қорабек Суюнов, Малика Қурбонова, Шаҳноза Бобобекова, Рустам Суюновлар раҳбарлигида турли спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари чемпионлари «Қунғирот» ва «Оқолтин» командалари ўртасидаги учрашувни ҳакамлар ҳайъати аъзолари холисона баҳолашга ҳаракат қилишди. Аввалги учрашувлардаги сингари, командалар кучи ва маҳорати орасидаги катта тафовут мусобақаларга тайёргарлик бирдай эмаслигини кўрсатиб турибди. XVI республика «Қувноқ стартлар» мусобақаси иккинчи давра учрашувлари янада қизғин ва муросасиз ўтишига ишонамиз.

Ғ. МАННОПОВ

Sport maydonchasi

НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Каноэ ва байдаркада сузиш бўйича мусобақалар ўз поёнига етди. Спортчиларимиз сўнгги баҳсларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, 6 та медални қўлга киритишди.

Дзюдочиларимиз ҳам курашни ниҳоясига етказишди. Атланта олимпиадасининг кумуш медал совриндори Армен Богдасаров Осиё ўйинларининг сўнги кунида юртимизга яна кумуш медал ҳадя қилди. Умумий ҳисобда эса дзюдочиларимиз кўксини иккита бронза медали ҳам безаб турибди.

ЯНА БИТТА ДОВОН ҚОЛДИ

Теннисчиларимиз ҳам XIII Осиё ўйинларига шунчаки бормаганларини кўрсатишмоқда. Юртдошларимиз О.Огородов ва В.Кутценколар чорак финалда Жанубий Корея жамоасини 2:0 ҳисобида енгиб, финалга йўл олишди. Демак яна бир довондан сўнг, олтин медаллар сони ошадиган кўринади.

ҲАЛИ ИМКОН БОР

Республикамиз терма жамоаси бир олтин, олти кумуш, олти бронза медали билан 10-ўринни эгаллаб туришибди. Кейинги ўринда бораётган Вьетнам ҳисобида олтита медал бор. Умуман, командамиз яна битта олтин медал қўлга киритишса, бир-икки поғонага кўтарилишлари мумкин.

ВАЪДАГА ВАФО ҚАНИ?

Футболчиларимиз ҳам чиройли ўйинлари билан мухлисларни хурсанд қилишаётган эди. Айниқса мўғулларни 15:0, ҳиндларни 2:0 ҳисобида енгган командамиз Хиросимадаги ғалабани яна такрорлашадигандек эди. Аммо Эрон терма жамоаси билан бўлган ўйинда ҳаммаси ҳал бўлди. Ҳамюртларимиз йирик 4:0 ҳисобда мағлуб бўлишди. Хуллас, уларнинг Бангкокдан уйга қайтишдан ўзга юмушлари қолмади.

БИТТАГА ОРТДИ

Гимнастикачиларимиз ҳам медаллар сонини ошириш учун ўз улушларини қўшишмоқда. Ҳамюртимиз Светлана Баҳриддинова таяниб сакрашда кумуш медални қўлга киритди. Бу медаллар сони яна биттага ошди, деганидир.

Xullas...

МАКР ИШ БЕРМАДИ...

«Аёл кишининг макри қирқ эшакка юк» деган мақол ҳамма вақт ҳам рост чиқавермас экан. Мана, бунинг исботи.

Руминиялик Луиза исмли аёл эридан «қутулиш» учун унга пичоқ санчди. Сабабки, у бошқа ёр топиб олган, эри эса қандайдир даражада бунга ҳалал берарди.

Полиция шубҳаланмаслиги учун Луиза ўзига ҳам эҳтиёткорона тиғ текизди ва миршабларга сим қоқди. Гарчанд у ўз қотиллигини ўзгаларга тўнкаб, бутунлай тескари маълумотлар билан полицияни чалғитмоқчи бўлса-да, ғалдаги макри ҳам иш бермади. Чунки бармоқ излари уники эди. Пихини ёрган жиноятчилар қўллайдиган усул—махсус қўлқоп кийишни қотил унутганди.

Уни жиноятга бошлаган жазмани ҳам суднинг қора курсисида ўтирибди. Ошиқ - маъшуқларнинг энди учрашиб туришларига имкон қайда?

СУҒУРТАЧИЛАРНИНГ ШЎРИ ҚУРИЙДИ

Америкада ким кўп, машина ўғриси. Эгаси додлаб қолаверади. Топилса-ку нур устига нур. Топилмаса, суғурта идорасидагилар жонига аро киришга мажбур. Чунки ҳар бир машина эгаси ўз мулкини албатта суғурта қилиб, маълум миқдорда давлат хазинасини бойитади. Лекин машинанинг ўғирланиши суғуртачиларни қон қақшатиши аниқ. Ўзингиз тасаввур қилинг, ҳар йили мамлакатда 500 мингта атрофида машина ўғирланса (бу факт), суғурта идоралари 7,5 - 8 миллиард доллар пулни зарар кўрган ўз мижозларига тўлаб қўйишга мажбур.

70 ТОННАЛИК КЎПРИК

Бу кўҳна оламда одамзод кўприкка ҳам эҳтиёж сезади. Уларнинг сони қанча экан, худо билади?

Италия матбуоти бу мамлакат ҳудудидаги улкан иншоот қурилиши ҳақида ёзган. Бу беҳад катта кўприк. Мессин бўғозига қурилаётган бу кўприкнинг узунлиги 366 километр, эни 60 метр, оғирлиги нақ 70 тоннага тенг. Бу кўприк темир йўл ва машиналар учун мўлжалланган..

Кўприк ҳақидаги рақамлар шунчаки мўлжал. У ростдан ҳам тикланармикан?

ana shunaqa gaplar...

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар Фан ва таълим ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси, туманлар халқ таълими бўлимлари ва педагогик жамоалар Бош бошқарманинг собиқ масъул ходими, меҳнат фахрийси **Атхам АҒЗАМОВ** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Сарғайган япроқлар ўзларининг аввалги манзилларини тарк этиб, истамайгина энг сўнгги манзиллари — ерга қўнмоқдалар.Дарахт танаси ва муаззам ер оралиғида кечадиган оний лаҳза чарчоқдан тинкаси қуриган япроқларга роҳат беради. Қани энди улар учун ҳавода муаллақ туриб қолишнинг яъники, абадий роҳатланишнинг иложи бўлса. Афсуски бунга имкон йўқ. Тўққиз ой дарахт шохида гоҳ яшнаб, гоҳ сизликнинг хириллоқ овозини эслатади. Келинг, яхшиси сиз хазонлар тақдирига қўл силтай қолинг. Уларга ачинишнинг фойдаси йўқ. Нега энди шунча пайт осмонларни кўзлаб келган ниҳоянгиз йўл сўнгида сарғайган япроқ қоплаган ерга қадалаяпти?

Ана у, яланғоч дарахтга қийин.

У энди шовилламайди, балки унинг асли қиёфаси энди аниқ кўринаётгандир. Тўғри, у ҳар сана ўзига янгидан-янги либос бичади.

ХАЗОН ЛАҲЗАЛАРИ

Бадиа

сўлғин ўсган япроққа икки ўртада қолмоқ тақдир эмас...

Хазонли боғларда кўп юргим келади. Қуриб-қақшаган япроқларни боса-боса хумордан чиқаман. Йўқ-йўқ, сиз мени бемеҳр, шафқатсизликда айбламанг. Сарғайган барглар сарғайган андуҳларимдек туюлгани учун шундай қиламан. Нима бўлганда ҳам уларнинг бўлгани-бўлган. Мен уларни ўз жойида эзмасам, балки дайди шамолларга ўйин бўларлар?..

Баргларнинг оёқ остида эзилаётиб, чиқарган бўғиқ саслари мажолсиз Илож-Лекин, лекин уларнинг бари ўткинчи умрининг хазонлари ўлароқ ҳар куз ерга поёндоз янглиғ ястанаверади. Жилвакор дунё ҳою ҳавасларни каби товланган япроқлар ўз вафосизликларини қайта-қайта ошкор этаверадилар. Дарахт оғочлари ҳар гал оғир хўрсинганча тақдирга тан бериб қолаверади.

Сезаяпсизми, кузнинг аёвсиз шамоллари эсмоқда. Улар хазонларни осмону-фалакка кўтараяпти. Лаҳзалар оний тезликда ҳаракат этаяпти.

Демак, яна баҳор қайтади.

Норали ОЧИЛОВ

ЎЗИНГНИ СИНАБ КЎР



1. Умавийлар давридаги халифалик пойтахт номи.

2. Нахшаб – бу шаҳарнинг ҳозирги номи.

3. Бир қанча асарлар ёзиб, шулардан ўн иккитасини Беруний ва ғишлаган машҳур олим номи.

4. Беруний асарларидан бизгача етиб келган қўлёзмалар сони.

5. Наврўз учун ўзгармайдиган қонун тузиш ва Наврўзни кейинга суриш хусусида бутун мамлакат шаҳарларига ҳалифа номидан хат ёзишга буюрган инсон номи.

6. Лоҳу авлод номи.

7. 1209 йилда Такашга тақдим этилган карта сарлавҳаси.

8. Румликлардаги тўртинчи ойнинг номи.

9. Яҳудийлардаги тўққизинчи ойнинг номи.

10. Ўн бешинчи – пасха байрам ўтказиладиган ойнинг номи.

11. Найсон ойининг биринчи куни Хорун ўғлининг номи.

12. Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган дарёга Оҳангарон суви қуйиладиган жойдаги шаҳар номи.

13. Жайҳун канори бўйидаги шаҳар.

14. Ҳилоли тишрин аввал ойининг олтинчи куни ҳайит номи.

15. Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳошимийнинг машҳур бўлган зиж номи.

16. Суғдийлар саккизинчи ойининг номи.

17. Ибн Ироқ қўлланма тариқасида ёзган рисола номи.

18. Маҳмуд Қошғарий 1072 йилда ёзишга киришган асар номи.

19. Сўғдийларнинг улун ўн иккинчи куни номи.

20. «Бод амком» ҳайит ойининг йигирма тўртинчи куни номи.

21. Беруний ўзининг иккинчи устози билан танишган шаҳар номи.

22. Фаришталар улуғлаган кун.

23. Араб тилида ой манзилининг ўн тўртинчи номи.

24. Марямни хотирлаш ойининг номи.

25. Руҳонийларга қарши чиққан, насронийлар бошлиғининг номи.

26. Беруний «шаҳмат ҳисоб йўлини» баён этган китоб номи.

27. Яҳудийлар (ўнинчи куни) рўза ойининг номи.

28. Сурия ойининг йигирма саккизинчи куни хотирланадиган инсон номи.

29. Абу Муҳаммад ибн Хамдон халифалик даргоҳида содир бўлган лақаб номи.

30. Қиб тийларнинг ортиқча беш кун номи.

31. Геометрия олими Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Сижзий қадимги сижистонликлар ойининг тўққизинчи номи.

Тузувчи: Ёқутхон РАҲМОНОВА, Тошкент шаҳридаги 41- мактабнинг олий тоифали математика ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0609. Тиражи 24.830. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.00.